**12 11** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.


2023-yil
2-noyabr
payshanba
№ 131
(4883)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

# Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




**Президент Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Самарқанд вилоятига келиб, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.**

Қуръони карим оятлари тиловат этилди. Аллоҳдан юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимиз манфаати йўлидаги саъй-ҳаракатларга хайру барака тилаб дуо қилинди.

Мақбара мажмуаси ҳозирги кунда янгидан барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бўлажак пардозлаш намуналарини кўздан кечирди.

**president.uz**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон 1 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Самарқанд шаҳри аэропортида Франция Президентини Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Икки мамлакат етакчилари кўҳна Самарқанднинг тарихий обидаларига биргаликда ташриф буюрдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари эртага режалаштирилган.

**ЎзА**


**БОЛАНИ ОВҚАТЛАНТИРИШДАГИ ҚЎШИМЧА ТАНАФФУС УЧУН ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?**



2

**ОҚЛАНМАГАН ТАЖРИБА БАДАЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?**



3

**УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ**




3


*Наманган вилояти*



Жамоатчилик назорати

# Мажбурий меҳнатга ЙЎЛ ЙЎҚ

**Маълумки, ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда тегишли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда тузилган Миллий мониторинг гуруҳи вакилларини ҳудудларга жалб қилган ҳолда жойларда пахта мавсумида вояга етмаган шахслар, ишчи-ходимларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, теримчилар учун яратилган шароитлар, уларнинг дам олишлари, овқатланиши тўғри ташкил этилгани ҳамда меҳнат муносабатларини расмийлаштириш учун ёлланма ишчилар билан шартномалар тузилгани юзасидан фаол иш олиб боради.**

Наманган вилоятига бириктирилган Миллий мониторинг гуруҳи вакиллари белгиланган манзиллар бўйича бир қатор фермер хўжаликларида бўлишди.

Хусусан, Учқўрғон тумани «Водий кўча» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Юрт хазинаси» фермер хўжалиги, «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қайқи ҳамкор толаси» фермер хўжаликларида ушбу йўналишдаги ишлар билан яқиндан танишилди.

– Теримчиларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб, улар билан суҳбатлашилганда, пахта даласи яшаш манзилидан узоқда бўлмагани учун ҳам ўз ихтиёрлари билан кунда-кунора теримга чиқаётганликларини, шу орқали рўзғорига молиявий жиҳатдан кўмаклашаётганликларини айтиб ўтишди, – дейди Миллий мониторинг гуруҳи раҳбари Шуҳрат Мамиров. – Суҳбат чоғида фермер хўжалиги аъзоларига терим пуллари ўз вақтида берилаётгани, уларга барча шароитлар яратилгани маълум бўлди.

Ўрганишлар давомида йиғим-теримга корхона, ташкилот ва муассасалардан ходимлар жалб этилмаган. Барча теримчилар билан меҳнатга оид муносабатлар талаб асосида расмийлаштирилган.

Мониторинг пайтида фуқароларни пахта йиғим-терими ишларига мажбуран жалб қилиш, иш ҳақини тўламаслик, хавфли меҳнат шароитларида ишлатиш, иш вақти меъёрларига риоя қилмаслик каби ҳолатлари рўй берганида касаба уюшмаларининг 1092 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилиши зарурлиги тушунтирилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**
«ISHONCH»

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

# ТАЪТИЛ ПУЛИ НОТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГАН

**ОИТСга қарши кураш марказида «Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага амал қилишда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани аниқланди.**

Мазкур муассасада лаборант вазифасида ишловчи Алишер Амиловга меҳнат таътили пуллари кам ҳисоблаб берилганидан сўнг, у ҳам бошқа ҳамкасблари қатори Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига мурожаат қилди.

– 2008 йилдан буён вилоят ОИТСга қарши кураш марказида ишлайман, – дейди Алишер Амилов. – 2016 йилда лаборатория йўналиши бўйича ўқидим ва лаборант вазифасига ўтдим. 2020 йилда – пандемия пайтида турли лабораторияларда ишладим. Кейин билсам, ўша вақтда меҳнат таътили пулларимга қўшимча тўланиши керак бўлган пуллар берилмаган экан. Сўнг масалага ойдинлик киритиш учун касаба уюшмаларига мурожаат қилдим. Менга тез орада 9 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Ҳозир ойлик маошимизга қўшилиши керак бўлган барча устамалар ҳам вақтида тўлаб боріляпти. Касаба уюшмаларидан миннатдорман...

*Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу муассасада ишловчи **жами 21 нафар** ишчи-мутахассисга меҳнат пуллари нотўғри ҳисобланганлик ҳолати аниқланди. Суд мажлисидан сўнг, уларга **жами 48 миллион 782 минг 234 сўм** миқдоридаги пуллар ундириб берилди.*

**Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаба уюшмаси аралашгач...

**Фалокат оёқ остида, дейдилар. Марҳамат тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Арофатхон Жамолдинова иш вақтида вафот этди.**

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Андижон вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасининг 2023 йил 25 апрель кунги буйруғига асосан ўтказилган махсус текшириш натижаларига кўра, бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлиқ экани қайд этилиб, корхона томонидан ҳисобга олинган.

Бу воқеага уч ой ўтса ҳамки, марҳуманинг қарамоғидаги оила аъзоларига боқувчисини йўқотгани учун ўртача бир ойлик иш ҳақининг 72 баробари миқдоридаги бир йўла тўланадиган нафақа ва ойма-ой тўланадиган зарар тўловлари ўз ечимини топмаган.

Бу ҳолат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Дилшодбек Қаюмов томонидан атрофлича ўрганилди. Натижада Кенгаш қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юзасидан корхона раҳбариятига тақдимнома киритди.

Маълум бўлишича, Марҳамат тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси раҳбарияти суғурта компаниясига ўз вақтида тегишли ҳужжатларни тақдим этмаган.

Адолат қарор топди. 122 миллион 633 минг 172 сўм бир марталик товон пули тўлаб берилди. Шунингдек, аннуитетлар шартномаси асосида вояга етмаган икки нафар фарзанд учун зарар тўловлари тўланяпти.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
«ISHONCH»

Тадбир

# БАЙРАМОНА КАЙФИЯТДА ЎТДИ

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Касаба уюшмалари куни муносабати билан тадбир ташкил этилди.**



Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Shafran tog' kurort kompleksi»да уюштирилган ушбу ўқув йиғинига тармоқдаги касаба уюшма ташкилотларининг 50 нафар раиси таклиф этилди.

Тадбирда тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари, хусусан, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ раиси А.Файзуллаев, «Тошкентбошпланлити» раиси Л.Тишкина, «Йўлқурилиш» МЧЖ раиси А.Казакбаев ҳамда касаба уюшмаси фахрийси М.Абдумаликовалар сўзга чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, уларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳиссаси хусусида сўз юритишди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида бугун касаба уюшмалари халқчил ташкилот деган эътирофга сазовор бўлмоқда.

Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Сайдалиев соҳадаги долзарб вазифаларга тўхталди. Таъкидланганидек, касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнги йилларда касаба уюшмалари жамиятимизнинг муҳим бир бўлагига айланганини мазкур тизим мисолида кўришимиз мумкин.

Йиғин давомида касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида спартакиада ҳам ўтказилди.

Спортнинг стол тенниси, дартс ва шашка турлари бўйича кечган баҳсларда муносиб иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Сана муносабати билан тармоқдаги барча ташкилотларда шундай тадбирлар ўтказилмоқда

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

## БОЛАНИ ОВҚАТЛАНТИРИШДАГИ ҚЎШИМЧА ТАНАФФУС УЧУН ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ?

**САВОЛ:**
**Чақалоқ бир ёшга тўлганида ишга чиққан ходим фарзандини овқатлантириш учун иш вақтида уйига бориб келишига тўғри келмоқда. Бунга раҳбариятнинг қаршилиги йўқ. Иш ҳақи масаласи нима бўлади?**

**Диёра БАЁНОВА**
*Тойлоқ тумани*



**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 407-моддасига мувофиқ, икки ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилади.

Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда, ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган давомийликда берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ нафар фарзанди бўлган тақдирда, танаффуснинг давомийлиги камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланади.

Икки ёшга тўлмаган бола отасининг ёки онасининг (васийсининг) хоҳишига кўра болани овқатлантириш учун танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусга қўшиб берилиши ёхуд иш кунининг (сменанинг) тегишинча қисқартирилган ҳолда бошига ёки охирига кўчирилиши, шу жумладан, жамланган ҳолда кўчирилиши мумкин.

Болани овқатлантириш учун танаффуслар фақат ота-онадан бири болани парваришлаш таътилида бўлмаган ва бундай танаффуслардан фойдаланмаётган тақдирда берилади.

Болани овқатлантириш учун танаффусларнинг аниқ давомийлиги ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшма қўмитаси билан келишувга кўра иш берувчи томонидан белгиланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда



# ФИДОЙИЛИК ВА ИШОНЧ ЖАВОБИ

**Сурайё Хидирова Қарши шаҳридаги 2-кўптармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотига ишга кираётиб, бу психологлик бунчалар машаққатли эканини кутмаганди. Чунки муассасада ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бор ўғил-қизларга таълим-тарбия берилади.**

Ташкилотда 6 та гуруҳ бўлиб, ҳар бир гуруҳга тарбиячи ва «логопед» бириктирилган. Улар болалар билан индивидуал тарзда ишлашдан ташқари, ота-оналар билан ҳам чуқур ҳамкорлик қилинади. Болада ижобий ўзгаришлар қилиш учун бу жуда муҳим.

– Аввалига кўникишим қийин бўлди. Жажжи ўғил-қизларнинг ожизлигини кўриб, юрагим эзилади. Таъсирланиб, уч-тўрт марта касал ҳам бўлиб қолдим, – хотирлайди Сурайёхон. – Астойдил ишга киришишим осон кечмади. Ўғил-қизларга яқинроқ бўлай, деб гуруҳ ҳам олдим. Яъни ҳозир ярим штат бирлигида тарбиячилик ҳам қиляпман.

Опанинг кўзларига ёш келди...

– Барча ҳаракатларимиз болажонларнинг онгида, саломатлигида ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган. Масалан, яқинда Асал деган қизчамиз илк бор «Ассалому алайкум» дея олди. Унинг гапираётганини кўриб, Асални директоримиз Фарида Юсупованинг хонасига қандай олиб кирганимни билмайман. Ҳозир Асал «Оламан, бераман, ейман, сув ичаман» сингари сўз ва жумлаларни талаффуз қиляпти. Тарбияланувчиларимиз орасида саломатлиги тикланиб, ўрта умумтаълим мактабларида ўқиётганлари бор...

Мазкур муассасада ишлаётганига уч йил бўлган Сурайё опа бугун ўз касбининг моҳир эгасига айланди. Ташкилотчилик қобилияти сабаб жамоадошлари унга касаба уюшма қўмита раислигини ҳам ишониб топширишди.

Опа ҳамкасбларининг дардини енгиллатишни ўзига бурч деб билади. Уларни фаолликка ундайди. Ходимлар ўртасида тез-тез турли тадбирлар, танловлар ташкил этади. Ихтисослаштирилган боғча ходимларининг спорт мусобақаларида иштироки яхши йўлга қўйилган. Муассаса директорининг шахсан ўзи бу каби тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

Энг асосийси, 46 кишилик аҳил меҳнат жамоаси касаба уюшмасига тўла ишонади. Ишонч ва фидойилик эса ҳеч қачон беиз кетмаган.

Яқинда 2-ихтисослаштирилган кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови Қашқадарё вилояти босқичида ғолиб, деб топилгани ҳам сўзимиз исботидир.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

Ички туризм

# БУХОРОДАН БЕТАКРОР ТААССУРОТЛАР БИЛАН

**Жамоада иш самарадорлигини оширишнинг бир қанча усул, йўналиш ва воситалари мавжуд. Бу борада ходимлар меҳнатини муносиб қадрлаш, улар учун қулай иш шароити яратиб бериш муҳим ўрин тутади.**

Президентимизнинг 2018 йил 7 февралда қабул қилинган «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури эса шу мақсадлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш мумкинки, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясида мазкур йўналишда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, компаниянинг касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва республикамизнинг диққатга сазовор манзилларига мунтазам саёҳатлар уюштириб келинади.

Жорий йил ҳам мазкур анъана тизимли равишда давом эттириб келинмоқда. Хусусан, 2023 йил 2 ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасига мувофиқ ҳамда яқинлашиб келаётган 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан 14-15, 21-22 ва 28-29-октябрь кунлари қадимий Бухоро шаҳрига саёҳатлар ташкил этилди.

Саёҳат давомида иштирокчилар шаҳарнинг тарихий обидалари, аждодларимизнинг улкан маданий-маърифий мероси ҳақида қизиқарли маълумотлар олиш баробарида, мамлакатимизнинг нақадар мафтункор манзилларга бой эканига яна бир бор амин бўлишди.

Бугун дунё аҳлини ўзига жалб қилаётган қадимий Бухорога ташриф саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

**«Ўзбектелеком» АК**
**Ахборот хизмати**



Таълим

Тошкент шаҳри

**Юнусобод туманидаги 274-мактабда ҳам юз нафардан ортиқ педагог ходим ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.**

# УСТОЗЛАР МУДОМ ЭЪЗОЗДА

Таълим масканимизда касаба уюшмаси ҳамкорлигида ишчи-ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соғлиқларини тиклаш учун санаторийларга йўлланмалар ажратяпмиз. Фарзандларига эса соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли дам олиш имконини яратганмиз. Кам таъминланган ходимлар оиласига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беряпмиз. Маънавий юксалтириш мақсадида театр ва концертларга имтиёзли чипталар тарқатяпмиз.

Бу йил ҳамкасбларимиздан М. Убайдуллаева, Л.Турдиқулова, М. Аҳмедова, Б. Маҳаматовлар санаторийларга бориб, соғлиқларини тиклаб келишди. Устозларнинг фарзандлари учун сув ҳавзаларига йўлланмалар бердик. Бу хайрли ишларда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Юнусобод тумани кенгаши раиси Шарофат Шарипованинг ёрдами катта бўляпти.

Ҳа, устозлар доимо эъзозда. Зеро, улар келажак авлод тарбиячиларидир.

**Ёрқиной АБДИЕВА,**
Юнусобод туманидаги 274-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси



Ташаббус



# ЗУККОЛИК ВА ЗИЙРАКЛИК БАҲСИ

**Тошкент амалий фанлар университетида Беш ташаббус доирасида «Салоҳиятли санамлар» мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Унда талаба-қизлар таништирув, савол-жавоб, қўл меҳнати ва эркин мавзудаги шартлар бўйича беллашишди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг март ойида бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу – ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган.

– Талабаларни касб билан бирга оилага тайёрлаш, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам бериш тадбирнинг асосий мақсадидир, – дейди бошланғич таълим назарияси ва методикаси кафедраси мудири Нилуфар Йўлдошева. – Бу каби амалиётлар ёшларни оилани бошқариш, мустақил фикрлаш, миллат давомчиларини тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир якунида ғолиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Комила БОЙМУРОДОВА**
«ISHONCH»

Андижон вилояти

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ЭЪТИБОРИГА!

Мавзуга қайтиб...

# Оқланмаган тажриба БАДАЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?


«Йўл харитаси» ҳуқуқий ҳужжатга асосан тайёрланадими ёки кўнгил майлига?

**«Ishonch» газетасида чоп этилган, аммо ўз вақтида мутасаддилар томонидан «нохолис ёндашув» дея баҳо берилган бир мавзудаги икки танқидий мақоланинг асоссиз эмаслигини тўрт йил ўтиб ҳаётнинг ўзи исботлади**



Эслатиб ўтамиз, газетада «Антиқа ташаббус» (2019 йил 2 ноябрь, 133-сон) ҳамда «Йўл харитаси» ҳуқуқий ҳужжатга асосан тайёрланадими ёки кўнгил майлига?» (2020 йил 22 январь) сарлавҳали танқидий мақолалар эълон қилинганди.

Мазкур чиқишларда давлат раҳбарининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш фақат «Uzavtoyo'lbelgi» ДУК томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, Андижонда Президент қарорига терс равишда айни вазифалар билан маҳаллий тадбиркорлик субъекти шуғулланаётгани савол остига олинган эди.

Муаммо фақатгина йўл белги ўрнатишга доир вазифаларнинг ижрочиси ўзгартирилгани билан боғлиқ бўлса, кошкийди. Вакolatли давлат идораси ўзи ишлаб чиқарган юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгиларига ўн йиллик кафолат берган бир пайтда асосий эътиборнинг тадбиркор томонидан тайёрланган – сиртига диод ёриткичли майда симлар ўрнатилган, яъни нур қайтариш хусусиятига эга бўлмаган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, ва ниҳоят, одатдаги сифатли маҳсулотларга нисбатан икки-уч баробар қимматлиги билан кўпларнинг энсасини қотираётган белгиларга қаратилганида ҳам эди.

Шу тариқа Андижон шаҳри кўчаларида ва вилоят туманлари марказларида «ноёб кашфиёт» ўлароқ тунда ёниб турадиган юзлаб йўл белгилари ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқорин мисоли кўзга ташлана бошлади. Кундуз куни-ку майли, аммо тунда айрим белгиларнинг ранглари диод симлар таъсирида чаплашиб, ноқулайликлар туғдиргани, қолаверса, ёриткичлари вақти-вақти билан куйиб қолиши, оқибатда табиий равишда нур қайтариш хусусиятига эга бўлмагани боис қоронғида илғаш қийинлиги билан ҳайдовчиларда кўп эътирозларга сабаб бўлди.



Шунга қарамай, вилоятда диод ёриткичли белгиларга алоҳида «меҳр» қўйилганининг сабаби кўп ўтмай ошкор бўлди. Яъниким сифатсиз белгиларни ишлаб чиқараётган «Milano gold ekspress» хусусий корхонаси буюртмачи ташкилот – Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Махсус эксплуатация-монтаж бўлинмасининг ўша йиллардаги раҳбарининг оиласига тегишли бўлиб чиқди. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харидларда давлат идораси бошқарувчисининг бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи бўлиши билан боғлиқ воқеликни аксил-коррупциячилар «манфаатлар тўқнашуви» деб аташармиди?

**2023 йилнинг 9 ойида автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида 5 минг 580 ТА эскирган йўл белгиси янгисига алмаштирилган. Бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Суриштирувларимизга кўра, зикр этилаётган даврда биргина Эксплуатация монтаж бўлинмаси томонидан талабга жавоб бермайдиган 635 ТА йўл белги янгиланган бўлиб, алмаштирилган белгиларнинг аксарият қисми уч-тўрт йил аввал ишлаб чиқарувчи томонидан гўёки 50 МИНГ соат ёки 11 йилга кафолат берилган маҳсулотлардир.**



Шундай бўлса-да, кўриниб турган қонунбузарлик учун бирор-бир мутасаддига нисбатан чора кўрилганини билмадик ҳам, эшитмадик ҳам. Қайтанга, Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг сессияси қарори билан Андижон шаҳрида яшовчи аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланиб, ҳудудда тўртта сектор раҳбари томонидан йўл харитаси тузилиб, айни хатти-ҳаракатлар қонунийлаштириб қўйилди гўё. Мазкур «йўл харитаси»нинг бандларидан бирида эса «тунги вақтларда пиёдаларга ҳамда ҳайдовчиларга кулайлик яратиш мақсадида йўлларга ёниб турувчи (диодли) йўл белгиларини ўрнатиш» вазифаси тиркаб қўйилган бўлиб, бу ҳол буюртмачи-пудратчи амалдорга янада кенгроқ қанот қоқиб фаолият кўрсатиши учун икки-уч йил давомида «яшил чироқ» вазифасини бажариб келгани бор гап.

Давлат органларидан айни мавзудаги танқидий чиқишларга нисбатан берилган муносабатларда эса мақолаларда қўйилган масалалар тан олинмади.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, бу мавзуга яна нега қайтилмоқда?

Гап шундаки, яқинда Халқ депутатлари вилоят Кенгашида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Унда соҳанинг барча йўналишларида олиб борилган ишлар қатори йўл белгилари билан боғлиқ қатор рақамлар келтирилган. Жумладан, 2023 йилнинг 9 ойида автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида 5 минг 580 та эскирган йўл белгиси янгисига алмаштирилган. Бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Суриштирувларимизга кўра, зикр этилаётган даврда биргина Эксплуатация монтаж бўлинмаси томонидан талабга жавоб бермайдиган 635 та йўл белгиси янгиланган бўлиб, алмаштирилган белгиларнинг аксарият қисми уч-тўрт йил аввал ишлаб чиқарувчи томонидан гўёки 50 минг соат ёки 11 йилга кафолат берилган маҳсулотлардир.

Эътиборли жиҳати, бугунги кунда янгиланаётган нур қайтаргич хусусиятли белгиларнинг ҳар бири ўрнатиш харажатлари билан ўртача 350 минг сўмга ҳисоб-китоб қилинмоқда. Ҳолбуки, матбуотнинг танқидига нишон бўлган сифатсиз ва диодли йўл белгиларининг ҳар бири учун уч йил аввал маҳаллий бюджетдан 1 миллион 200 сўмдан 1 миллион 400 минг сўмгача (катта-кичиклигига қараб) маблағ ажратилган эди. Нархлар борасидаги фарқнинг нечоғли катта эканини илғаяпсизми? Маълумотларга кўра, ўз даврида 1 минг 250 та ана шундай белгилар ўрнатилган. Ҳали эшагидан тушови қиммат бўлган бу бетайин тажрибанинг ҳар бири учун уч йил давомида сарф этилган электр энергияси маблағлари ҳақида оғиз очмаяпмиз.

Бугун йўл белгилари масаласига дахлдор Эксплуатация монтаж бўлинмалари маҳаллий ҳокимликлардан йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказилиб, бу борадаги издан чиққан фаолият жиддий тартибга солинаётган экан, Андижонда маҳаллий бюджетдан диодли белгиларга «бемақсад» сарфланган миллиардлаб маблағлар учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши даркор.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада ўз сўзини айтиши керак. Чунки гап узоқ ўтмиш ҳақида эмас, сўнгги тўрт йилдаги ўзбилармонликлар ҳақида кетяпти.


**Нурилло НЎЪМОНОВ**
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Луқма

# Усти ялтироқ, ичи қалтироқ

**ХОВОС ТУМАНИДАГИ 26-МАКТАБНИНГ БИНОСИ 2022 ЙИЛНИНГ ЁЗИДА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ. БУ ЕРДА «САРДОБА ҚУРИЛИШ» МЧЖ ТОМОНИДАН 4 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ ҲИСОБИГА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНГАНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ БИЛАН НАФАҚАТ ЎҚУВЧИЛАРУ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ, БАЛКИ ОТА-ОНАЛАРНИ ҲАМ МАМНУН ҚИЛГАНИ РОСТ.**




Аммо... Шундай кўркам бинода ўқувчилар қишни қалтираб ўтказишди. Сабаби оддий – иситиш тизими талабга жавоб бермайди. Масъуллар қайта-қайта уринса-да, эпақага келтира олишмади. Мактаб қиши билан исимади...

Ундан ҳам ёмони, лойиҳага киритилган мактаб жиҳозлари ҳануз тўлиқ келтирилмаган. Айниқса, жамоа учун сув ва ҳаводек зарур бўлган фаоллар зали шу кунга қадар фойдаланишга топширилмаган. Ўттиз йилдан зиёд вақт давомида ҳатто ўриндиқсиз фаолият юритган бу залнинг қайта таъмирдан сўнг ҳам бирорта жиҳозсиз ҳолда турганини сўз билан изоҳлаш қийин. Шу сабаб мактаб жамоаси турли маънавий-маърифий йиғинлар, байрам тадбирлари, йиғилишларни даҳлизларда ўтказишга мажбур. Ҳувиллаб ётган залларнинг очилишини ўқувчилар кутмай ҳам қўйишган.

Мактаб ошхонаси ҳам шундай ачинарли аҳволда. На газ, на бирор бир электр жиҳозлари, иссиқлик тизими йўқлиги сабабли қишнинг совуқ кунлари ўқувчилар учун бир пиёла иссиқ чой ичишга ҳам шароит йўқ.

Кутубхона... Ғарибгина бу маскан... Бу энди алоҳида мавзу.

Энг ачинарлиси шуки, бугун мактаб жамоасининг бу йил ҳам аҳвол яхши бўлишидан умиди сўняпти. Совуқ кунлар бошланса, қалтираб сабоқ олиш ва беришга тўғри келади.

Саволлар эса кўп: мактаб учун ажратган маблағлар ҳисобидан лойиҳага юқоридаги керакли жиҳозлар киритилганмиди? Агар киритилган бўлса, улар қаерда? Бир йилдан ортиқ вақтда ҳам етиб келиши мушкул бўлаётган керакли ашёларнинг йўлини кимлар тўсиб турибди?

Бу саволларга масъуллардан асосли жавоб ва муаммоларга ечим кутамиз.

**Нодира ДЎСТМАТОВА**



# Оламда бугун...

## ИККИ ЁРДАМ ПАКЕТИ БИРЛАШТИРИЛАДИМИ?

**Оқ уйнинг маълум қилишича, АҚШ президенти республикачилар таклиф этаётган Украинани истисно қилган ҳолда, фақат Исроилга ёрдам бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасига вето қўяди.**

Қонун чиқарувчилар Исроил ва Украинага ҳарбий ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқди.

Президент Жо Байден Конгрессдан бунинг учун 106 миллиард доллар сўраган. Вакиллар палатасида кўпчилик овозга эга республикачилар ҳамда Сенатдаги баъзи республикачилар икки ёрдам пакетини бирлаштиришга қарши чиқяптилар.



Оқ уй Байден Украинани қўллаб-қувватлаш масаласи киритилмаган ва фақат Исроилга ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасига вето қўйишини айтмоқда.

## РАФАҲ НАЗОРАТ-ЎТКАЗИШ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

**Миср 90 га яқин яраланган фаластинлик ва 450 га яқин хорижлик ва икки фуқароликка эга шахсни ўтказиб юбориш учун Ғазо сектори билан чегарада Рафаҳ назорат-ўтказиш пункти терминали очилганини эълон қилди, деб хабар қилади AFP ўз мухбирига таяниб. Таъкидланишича, дастлабки хорижликлар ушбу назорат-ўтказиш пунктини кечиб ўтган.**

Рафаҳ назорат-ўтказиш пункти Миср ҳамда Ғазо сектори ўртасидаги ягона чегара ўтиш жойи ҳисобланади. 1 ноябрь куни жангарилари Ғазо секторини назорат қилаётган Фаластиннинг «Ҳамас» ҳаракати Рафаҳ назорат-ўтказиш пункти орқали анклавни тарк этишга рухсат берилган хориж фуқаролари рўйхатини эълон қилди. Унга, хусусан, Япония, Австрия, Чехия, Финляндия, Австралия, Болгария, Индонезия, Иордания фуқаролари, шунингдек, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ходимлари киритилган.



Исроил ва ҲАМАС ўртасидаги уруш 7 октябрда Исроил ҳудудига йирик ракета ҳужуми, қатор ҳудудларни эгаллаш ва тинч аҳолини гаровга олиш билан бошланган эди. Камида 1,4 минг киши ушбу ҳужум қурбонига айланган. Исроил Ғазо секторида жавоб ҳарбий амалиётини ўтказмоқда. Анклав Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 8 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган.

## ГАЗ ТРАНЗИТИ ЭҲТИМОЛДАН ХОЛИ ЭМАС

**Россиянинг «Газпром» компанияси газ Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудуди орқали учинчи давлатларга транзит қилиниши мумкинлигини инкор этмади. Бу ҳақда компания раҳбари Алексей Миллер Санкт-Петербург халқаро газ форумида айтиб ўтган.**

«Ҳа, бундай имконият бор. Биз ушбу давлатлар тақдим эта оладиган транзит имкониятлари ҳақида ҳам суҳбатлашдик, – дея унинг сўзларидан иқтибос келтиради ТАСС.

Туркия Ғазо секторидаги вазиятни барқарорлаштиришда кафил бўлишга тайёр. Бу ҳақда 1 ноябрь куни республика ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Ҳоқон Фидан маълум қилди.

«Биз ушбу келишувда кафил бўлишга тайёрмиз», деди у эронлик ҳамкасби Ҳусайн Амир Абдуллоҳиан билан музокарадан сўнг.

Фидан, шунингдек, Украина билан бўлгани каби Фаластин муаммосини ҳал қилишда икки хил



стандартларга йўл қўйилмаслиги лозимлигини таъкидлади.

«Украина ва Ғазо учун бошқа-бошқа стандартлар бўлиши мумкин эмас. Агар адолатли дунё ўрнатмоқчи бўлсак, принципиал ва мувозанатли ҳаракат қилишимиз керак», – деди турк дипломати.

Бундан ташқари, ТИВ раҳбари Фаластин можаросининг Сурияга тарқалишини қабул қилиб бўлмас ҳолат дея таъкидлади.

Қашқадарё вилояти



**Қарши шаҳридаги Олимпия ва паралимпия захиралари тайёрлаш марказида тиббиёт ходимлари ўртасида «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги – 2023» мусобақасининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Турнир

# Майдонда тиббиётчилар



Жорий йилда илк бор ташкил этилаётган турнирда мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича кучлилар аниқланди.

Шахмат баҳсларида китоблик Учқун Тошев ва яккабоғлик Гулхумор Маманова, шашкада чироқчилик Азизбек Алимардонов ҳамда касбилик Дилнавоз Абдуллаева ғолиб бўлди. Стол теннисида китоблик Элшод Норхўжаев эркаклар, касбилик Озода Очилова эса аёллар ўртасида тенгсиз топилди.

Мини-футбол мусобақаси финалида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази жамоасини 2:1 ҳисобида ютган нишонлик тиббиёт ходимлари олтин медаль ва кубокни қўлга киритишди. 3-ўрин учун баҳсда муборaклик ҳамкасбларидан устун келган Қарши тумани футболчилари бронза медали соҳиби бўлишди.

– Янги мусобақа ноябрь ойида кенг нишонланадиган «Касаба уюшмалари куни» ва «Тиббиёт ходимлари куни» байрамлари муносабати билан ўтказилмоқда, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Дилбар Тўхтаева. – Фурсатдан фойдаланиб, мусобақани юқори савияда ўтказишга ёрдам берган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъулларига миннатдорлик билдираман.

Барча спорт турлари бўйича кучли учликдан жой олган спортсеварлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Энди ғолиблар турнирнинг республика босқичида иштирок этишади.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Мусобақа

# «АВТОНЕФТТРАНС» футбол жамоаси доим фаол

**Касаба уюшмалари томонидан турли тадбирларнинг мунтазам ташкил қилиб борилиши ходимларни соғломлаштиришда ва албатта улар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.**

Тошкент вилоятидаги «Автонефттранс» масъулияти чекланган жамияти қошида шаклланган футбол жамоаси қуйи босқичлардаги мусобақаларда фаоллик кўрсатиб, яқинда Самарқанд шаҳрида уюштирилган мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашди. Ушбу жамоа вилоятларда шаклланган ўзлари каби турли жамоалар билан ўзаро беллашди.

Улар мусобақада Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро каби вилоятлардаги ҳамда қорақалпоғистонлик ҳамкасблари билан беллашувда фахрли ўринни қўлга киритишди. Мусобақа якунига етгач, иштирокчилар Самарқанднинг кўҳна обидаларига саёҳат қилдилар.

Ўз иш жойларига қайтиб келгач, ходимларнинг ҳар бири «Автонефттранс» масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Азимжон ЭРКАБОЕВ,**
«Автонефттранс» масъулияти чекланган жамияти ходими



Жиззах вилояти

Хотира



# Шарафли йўл

**Зомин туманида миришкор деҳқон, қишлоқ хўжалиги билимдони, етук раҳбар ва ташкилотчи Саттор Усмонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира тадбири ўтказилди.**

Иккинчи жаҳон урушида 1-Украина фронти сафида Берлингача бўлган йўлни босиб ўтиб, кўрсатган жасорати учун қатор жанговор орден ва медаллар билан тақдирланган Саттор Усмоновнинг урушдан кейинги ҳаёт йўли ҳам ибратлидир. Зомин туманидаги туғилган қишлоғига қайтгач, жамоа хўжалиги, қишлоқ кенгаши раиси, туман машина трактор станцияси раҳбари бўлиб ишлади. Ўтган асрнинг ўртасидан бошлаб Мирзачўлни ўзлаштиришда ишчанлик, ташкилотчилик фазилатлари янада тўлиқ намоён бўлди. У 1960 йилда чўл ҳудудида дастлаб ташкил этилган ҳозирги Сардоба тумани (собиқ Ильич номли)даги 6-давлат хўжалигига 15 йил давомида раҳбарлик қилиб, уни машъал хўжалик даражасига етказди. 1973 йилда Жиззах вилояти ташкил этилгач, Саттор Усмонов чўлни ўзлаштиришда орттирган катта тажрибасини янги ерларда қўллаб, Арнасой туманидаги бир хўжаликни иқтисодий юксалтиришга эришди.

Саттор Усмонов нафақага чиққач, 1984-1991 йилларда Зомин туманида жойлашган Ўрта Осиё Ирригация ва мелиорация илмий текшириш институти (САНИИРИ)га қарашли тажриба ишлаб чиқариш хўжалигига раҳбарлик қилиб, тоғ бағрида 10 гектар узумзор, 20 гектар боғ яратди. Унинг ташаббуси билан узумчилик ва боғдорчилик хўжалиги ташкил этилди.

Юрт равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, фидокорона меҳнатлари учун бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган Саттор Усмоновнинг шарафли умр йўли тўғрисида китоблар ёзилган, ҳужжатли фильм яратилган.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев, Саттор Усмоновнинг шогирдлари, меҳнат фахрийлари сўзга чиқишди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
«ISHONCH»

Ёднома

# ЯХШИЛИККА БАХШИДА УМР

***Бор билими ва куч-қувватини қишлоқ хўжалиги равнақига сарфлаган Турғун Ражабовни эслаб...***

### ТАРЖИМАИ ҲОЛГА БИР НАЗАР

У 1923 йили Фарғона вилоятида туғилди. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Немис-фашистлар собиқ Иттифоққа бостириб кирганида, кўнгиллилар сафида фронтга отланди. Жангларнинг бирида жиддий яраланди. Хуллас, урушнинг ва ундан кейинги оғир дамлар машаққатларини бошидан кечирди, ҳаёт синовларида обдон тобланди.

1947 йилдан эътиборан Мирзачўлни ўзлаштирувчи ёшларга етакчилик қилди. 1949-1957 йилларда Сирдарё ва Верхне-Волынский туманлари (кейинчалик улар қўшиб юборилиб, ташкил этилган ҳозирги Сирдарё тумани)да комсомол ва партия ташкилотининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Сўнгра икки йил Чиноз туманига, 12 йил Бўка туманига раҳбарлик қилди. 1970 йилдан 1984 йилгача Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари қўмитаси раиси вазифасини адо этди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашларининг ҳамда собиқ Иттифоқ Қишлоқ хўжалиги ходимлари Марказий қўмитасининг аъзоси бўлди.

Албатта, Турғун Ражабовнинг фронтдаги қаҳрамонликлари ва тинчлик йилларидаги фидокорона меҳнатлари юксак баҳоланган. У икки марта «Меҳнат», «Қизил Байроқ», III даражали «Шуҳрат» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари ҳамда қатор медаллар билан мукофотланган. Қолаверса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ва Тошкент вилояти партия қўмитасининг бюро аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати этиб сайланган. Шунингдек, Иттифоқ Касаба уюшмаларининг (ВЦПС) «Кўкрак нишони» ва бир неча бор фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Бу жафокаш инсон оғир ва узоқ давом этган касаллик туфайли 1989 йил 16 январь куни вафот этди.

### «РАМАДОН» МАҲАЛЛАСИДАГИ ҲАЙКАЛ

Мустақилликнинг дастлабки йили Бўка тумани жамоатчилиги Турғун Ражабов хотирасини абадийлаштириш ғоясини илгари сурди. Кўп ўтмай, Карл Маркс номидаги хўжаликка унинг номи берилди. Бундан ташқари, у пенсияга чиққунига қадар бирга хизмат қилган вилоят касаба уюшмалари фаоллари ташаббуси билан хўжалик марказига Турғун Ражабовнинг бронзали ҳайкали ўрнатилди.

Бу йил шогирдларидан бир гуруҳи унинг таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан ушбу санани юбилей сифатида нишонлаш таклифи билан чиқдилар. Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов бу хайрли ташаббусни маъқулладилар. Пировардида тадбирни Турғун Ражабовнинг бюсти ўрнатилган «Рамадон» маҳалласида 2023 йил 7 ноябрь куни юқори савияда ўтказиш юзасидан кўрсатма берилди.

### ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ

– Дадам урушга кўнгилли бўлиб кетиб, қаттиқ яраланган экан, – дейди катта қизи Донохон Якубова. – Ленинграддаги госпиталда даволаниб чиққач, солдатларга сиёсий раҳбар этиб тайинланган. Армиядан 1947 йилда қайтган. Ўшанда уни Фарғона шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайлашган.

Келаси йили онажоним Раъно Бабабекова иккиси турмуш қуришган. Орадан ҳеч қанча ўтмай, Ўзбекистон ҳукумати топшириғига биноан, дадам Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан жамланган уч эшелон ёш оилаларга бош бўлиб, «Мирзачўлни гулистонга айлантирамиз!» шиори остида уларни ҳозирги Сирдарё вилоятига олиб келган. Бу ерда ҳамда унга туташ Тошкент вилоятининг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилиб, эл дуосига мушарраф бўлган...

– Турғун Ражабов кўп йиллар Бўка туманининг биринчи раҳбари, сўнгра вилоят Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлади, – дея суҳбатга қўшилади Тошкент вилояти Нуронийлар кенгаши раиси Абдусамад Носиров. – Шу жараёнда катта-кичикнинг қалбига йўл топа олади, эл-юртга манзур бўлган талай савобли ишларни амалга оширди. Алқисса, туман ва вилоятимиз меҳнаткашлари ҳурмат-эътиборини қозониб, уларнинг кўнглида ўчмас из қолдирди.

Яна бир меҳнат фахрийси, фермер Файзиддин Ибрагимовнинг эслашича, ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошида Бўка туманидаги 200 дан ортиқ оила ҳукумат қарори билан Тожикистоннинг Пролетар туманига кўчирилади. Улар 7-8 йил ўша ерда яшашади. 1960 йили қишлоқ оқсоқоллари Бўка тумани раҳбари Турғун Ражабовга учрашиб, бу оилаларни ўз жойига қайтаришини илтимос қилишади. Шунда Турғун Ражабов



Архив

бу масалада тегишли ташкилот-идоралар билан маслаҳатлашиб, кўчирилганларни сувли ва қора тупроқли яхши ҳудудга жойлаштиришга сўз беради. Ўша йилиёқ ваъдаси устидан чиқади. Она юртга қайтарилганлар уй-жой билан таъминланишини ҳам назорат қилиб боради.

### УСТОЗ БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА...

Менинг устозим билан танишишим жуда эсда қоларли бўлган. 1973 йили олий ўқув юртини битиргач, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ҳам етакчи инженер, ҳам ёшлар етакчиси бўлиб ишлай бошладим. Орадан олти йил ўтиб, бир куни мени вазирлик партия ташкилотининг котиби Асом Махсумов чақириб, «Касаба уюшмаларига ишга ўтасизми?» деб сўради. Мен бу иш касбимга тўғри келмаслигини айтиб, рад жавобини бердим.

Орадан ҳафта ўтар-ўтмас, Асом ака мени яна чақирди. Кирсам, кабинетида бир одам билан ўтирган экан. «Бу киши Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси раиси Турғун Ражабов бўлади», деб таништирди. Меҳмон эса менга юзланиб, дабдурустдан «Бизга, яъни касаба уюшмасига ишга таклиф этсам, ўтасизми?» деди.

Дарҳол «Ўтмайман!» дедим. Сабабини сўраганди, бу соҳани билмаслигимни, касбим муҳандислигини, партия аъзолигига номзодлигимни, унга аъзо бўлгач, навбат бўйича уй олишим тезлашишини эринмасдан айта бошладим.

– Буларнинг ҳаммаси «чепуха», – деди у гапимни тинглаб бўлгач. – Сиз қишлоқ хўжалигидан узоқлашмайсиз, чунки касаба уюшмамиз шу тизим ходимлариники, касбингизга яқин. Партияга бизнинг ташкилотдан ўтасиз. Квартира эса вазирликнинг ўзидан берилишига ёрдамлашамиз. Хўш, яна қандай муаммоингиз бор?..

Ана шундан сўнг мен Турғун Ражабовнинг биринчи ўринбосари лавозимида 1979 йилдан 1984 йилгача ишладим. Ундан иш фаолияти бўйича жуда кўп нарсаларни, бошқарув ва ҳаёт сабоқларини ўргандим.

Устозим ташаббуси билан қишлоқ меҳнаткашларининг соғлиғи ва дам олиши, меҳнат шароити, меҳнат хавфсизлиги, меҳнат ҳуқуқлари, спорт ва маданий-маънавий ҳаёти яхшиланишига эришилди. Қанча-қанча болалар оромгоҳи, сиҳатгоҳлар очилди. Соҳа касаба уюшма қўмитаси энг йирик ва намунали ташкилотлардан бирига айланди.

1984 йилда мени Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши қошида янги тузилган Агросаноат бўлими мудирлигига лойиқ кўришди. Бир йилдан кейин пенсияга чиққан Турғун аканинг ўрнига қўмита раиси этиб сайландим.

Мен ўзимни у кишининг охирги сафдош шогирдларидан бири деб биламан. Шунга кўра, анчадан буён устознинг ҳаётини ва меҳнат фаолиятини чуқур ўрганишга интилардим. Фарзандлари, ҳамкасблари, таниш-билишлари хотираларини тинглаб ва турли манбалардан керакли маълумотларни тўплаб келардим. Уларни жамлаб, айримларини «Соҳибқирон Амир Темур авлиёлар юртида» ва «Сузук ота изидан» номли китобларимга киритдим. Зеро, Турғун Ражабовнинг хотираси доимо қалбимизда яшайди...

Бизга маълум бўлишича, айни кезларда Бўка туманидаги «Рамадон» маҳалласида ўтказилиши мўлжалланган юбилей муносабати билан бир гуруҳ фахрийлар томонидан Хотира китоби ёзилган. Ишончимиз комилки, бу рисола Турғун Ражабовнинг оила аъзолари, яқинлари ва дўст-биродарлари учун ажойиб совға бўлиб қолади.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
Тошкент вилояти Агросаноат касаба уюшма қўмитаси собиқ раиси, академик

Эълон

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-сонли баёни билан тасдиқланган***

**«ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI»**

*акциядорлик жамияти тармоғидаги «Sirdaryo IES» филиалидан узатиладиган иссиқлик энергияси учун*

**ТАРИФ**

*2023 йил 15 ноябрдан амал қилади*
*Барча истеъмолчилар –*
**1 Гкал учун 375 000 сўм**

**ЭСЛАТМА:**

**1.** Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.

**2.** Ушбу тариф кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги идоралараро тариф комиссиясининг 2021 йил 31 июлдаги 7-сонли баёни билан тасдиқланган тариф ўз кучини йўқотади.

Билдирув

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси мазкур ташкилотнинг бош бухгалтери Ашур Эсонович Асадовга синглиси **Озода АСАДОВА** вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси Федерациянинг Қашқадарё вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири **Абдураҳим Боборажабович ТЎРАЕВ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси **Эркин Раймович АБДИЕВ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:**

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Abdurahmonov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 00:30
**Topshirildi –** 00:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:** 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 592**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 30348**
**16331** nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.